

КОСМОСДА ЯНА СОВЕТ КИШИСИ!

Бу тарихий ғалаба совет халқининг генийсини, социализмнинг қудратли яратувчи кучини бутун дунёга яна бир бор намоиш қилди

ТАСС АХБОРОТИ

1962 йил 11 августда Москва вақти билан соат 11-30 минутда Совет Иттифоқида «Восток-3» космик кемаси Ер йўлдоши орбитасига чиқарилди. «Восток-3» кемасини Совет Иттифоқи граждани космонавт-учувчи майор ўртоқ Андриян Григорьевич Николаев бошқармоқда.

Учининг мақсади қуйидагилардан иборат:
— Космик учини шароитининг киши организмга таъсири тўғрисида қўшимча маълумотлар олиш;
— вазнсизлик шароитида кишининг ишлаш қобилиятини тадқиқ қилиш;
— космик учини шароитида кишининг маълум ҳажмда илмий кузатишлар олиб бориши;
— космик кемалар системаларини, алоқа воситалари, бошқарув ва Ерга қўниш воситаларини янада такомиллаштириш.

«Восток-3» йўлдош кемаси мўлжалланганга яқин орбитага чиқарилди. Дастлабки маълумотларга кўра, йўлдош-кеманинг Ер теваганини айланиш даври 88,5 минутни ташкил этади, кеманинг Ер сатҳидан

минимал узоқлашиши (перигейи) 183 километрга ва максимал узоқлашиши (апогейи) 251 километрга баравар, орбита текислигининг экватор текислигига нисбатан оғиш бурчаги 65 градусга яқин.

«Восток-3» космик кемаси билан икки томонлама узлуксиз равишда радио орқали алоқа қилиб турилади.

Космонавт учувчи ўртоқ Николаевнинг берган хабарларига кўра, шунингдек телеметрик ва телевизион системалар ёрдами билан олинган объектив маълумотларга мувофиқ, у кемани орбитага чиқариш даврини ва вазнсизлик ҳолатига ўтишни қониқарли ўтказган. Ўртоқ Николаев ўзини яхши ҳис қилмоқда.

Космонавт учувчи ўртоқ Николаев ўз эшиттиришларини 20,006 ва 143,625 мегагерцли частотада олиб бормоқда. Кемада 19,995 мегагерц частотада ишлайдиган «Сигнал» передатчиги ҳам ўрнатилган.

Космик кема бортидаги ҳамма системалар нормал ишламоқда. Учининг бундан кейинги бориши тўғрисида ахборотлар Совет Иттифоқининг ҳамма радиостанциялари томонидан эшиттириб турилади.

КОСМОСДАН ХАБАРЛАР

Космонавт учувчи майор Андриян Григорьевич Николаев «Восток-3» йўлдош-кемасида Совет Иттифоқи территорияси устидан учиб ўтганда Москва вақти билан соат 11-45 минутда қуйидагиларни хабар қилди: «Ўзимни яхши ҳис этаётirman, кема ичида ҳамма нарса нормал ҳолда. Иллюминаторда Ер яхши кўриниб турибди.

Космонавт НИКОЛАЕВ».

«Восток-3» йўлдош кемасининг парвози нормал ўтмоқда. Кема бортига ўрнатилган ҳамма приборлар ва системалар аниқ ва пухта ишламоқда. Ҳавони тартиблаштириш ва кондициялаштириш системалари ҳавонинг температурасини, босимини ва намлигини белгиланган доирада сақламоқда. Телеметрик система ёрдами билан олинган объектив маълумотлар ўртоқ Николаев кеманинг орбитага чиқарилишини ва учининг дастлабки даврини энгил ўтказганлигини тасдиқлайди. Космонавтнинг телевизион сурати ва Ерга юборилган ахборотлар унинг ўзини яхши ҳис қилаётганлигидан далолат беради. Ер устидаги станциялар системаси ёрдамида космонавт билан радиотелефон алоқаси қилиниб турибди. Москва вақти билан соат 13-08 минутда ўртоқ Николаев кема бортидан Совет Иттифоқи халқларига салом йўлади.

«Восток-3» космик кемасининг парвози муваффақиятли давом этмоқда. Майор Николаев Африка устидан иккинчи марта айланиб ўта бошлаганида унда яшовчи эркесвар халқларга салом йўлади. У, учинчи марта айланиб учишда учини муваффақиятли ўтаётганлигини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва Никита Сергеевич Хрушчевга хабар қилди. Космонавт Европа устидан учиб ўтаётганида ўз Ватанининг содиқ дўстлари — социалистик мамлакатлар халқларига табрик йўлади.

Космонавт-учувчи майор Николаев тушган «Восток-3» йўлдош кемаси ўз парвозини давом эттирмоқда. «Восток-3» космик кемаси 6 соат ичида Ер атрофини тўрт марта айланиб чиқди ва 160 миң километрдан кўпроқ йўл босди. Космонавт ўртоқ Николаев белгиланган тадқиқотлар программасини муваффақиятли бажараётганлигини билдирди. Космонавт ўзини жуда яхши ҳис этмоқда. Йўлдош кема кабинасида температура цельсия билан 25 градус. Кабинада ҳавонинг таъйиқи ва намлиги нормал даражада. Космик кемадаги барча системалар яхши ишлаб турибди.

Тадқиқотлар программасининг биринчи қисмини бажариш вақтида космонавт космик кемани бошқариб турди. Программанинг ана шу қисми бажарилганидан кейин ўртоқ Николаев овқатланди ва бир соат дам олди.

«Восток-3» йўлдош кемаси Ер атрофини тўртинчи марта айланиб чиқа бошлаганида космик кема бортидан навбатдаги телевизион эшиттириш ўтказилди.

Ана шу эшиттириш вақтида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев космонавт-учувчи майор Николаев билан суҳбатлашди. Н. С. Хрушчевнинг космонавт Николаев билан ёзиб олинган суҳбати Совет Иттифоқининг радиостанцияларига топширилди.

Совет граждани учувчи-космонавт А. Г. Николаевнинг космосга қаҳрамонона учини совет кишилари шонли ғалабалари тарихида яна бир янги порлоқ саҳифа очди.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 159 (2192). 12 август, якшанба, 1962 йил. Баҳоси 2 тийин.

ҚАДРОНИМИЗ ЎРТОҚ АНДРИЯН ГРИГОРЬЕВИЧ НИКОЛАЕВ, СИЗНИ АЖОЙИБ ЖАСОРАТ—КОСМОСГА МУВАФФАҚИЯТЛИ ПАРВОЗ ҚИЛГАННИГИЗ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙМИЗ ВА ҚУТЛАЙМИЗ.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ҲУКУМАТИНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИГА МУРОЖААТИ

Ичида космонавт учувчи бўлган бирор даражада мушкуллаштириладиган ёки айниқса космонавтнинг ҳаётига хавф туғдира оладиган ҳар қандай тадбирлардан тийилиб туришлари лозим. Аммо, маълумки, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати жуда баландликда янги ядро портлатишлар ўтказишни планлаштирмоқда. Совет олимларининг Ерда ва космосдаги кузатишлари шуни кўрсатадики, Америка Қўшма Штатлари томонидан шу йил 9 июлда ўтказилган портлатиш каби жуда баландликдаги ядро портлатишлари космонавтарнинг ҳаёти ва соғлиги учун хатарли шароит вужудга келтиради.

Совет Иттифоқи ҳукумати АҚШ ҳукуматининг ўз аймақига юклаган маъсулятини тушунишни ва совет космонавтининг халфсизлигига таҳдид туғдириши

Космонавт А. Г. Николаевнинг учини олдидан қилган баёноти

Азиз ўртоқлар! Дўстларим! Яқиндагина мен ўз дўстларим — космонавтар Юрий Гагаринни ва Герман Титовни юлдузлараро дастлабки парвозларга узатиб қолган эдим, бугун эса мен космосга янги парвоз қилишдек катта шарафга муяссар бўлдим.

Мен ўзимга кўрсатилган ишонч унун жонажон ленинчи Марказий Комитетга ва Совет ҳукуматига чин қалбимдан ташаккур изҳор қиламан ҳамда бу шарафли топшириқни муносиб бажариш учун бутун кучимни ва билимларимни сарф қиламан. Ватандошларимнинг биринчи космик парвозлари бутун инсониятни қўйил қилди ва бизнинг қалбимизни совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган буюк муваффақиятлари учун фахр туйғулари билан тўлдирди. Бизнинг партиямиз голибона коммунистик қурилишни амалга ошира бориб, космосни тинч мақсадларда, Совет Ватанининг ва бутун инсониятнинг бахт-саодати йўлида ўрганишни изчиллик билан ташкил қилмоқда. Космосга янги парвоз ана шу олижаноб мақсадларга хизмат қилади.

Хайр, дўстлар!
Жонажон Совет юртида тезда дийдор кўришайлик.

Фафур ФУЛОМ

БОШИМИЗ КЎККА ЕТДИ

Осмоға учмак, юлдузлар сирини билмак айниқса ўз туқдан планетамиз — Ерни мукамал ва бир бутун ўрганмак инсониятнинг мингмиң йиллардан буён орауси бўлиб келди. Инсон деган олижаноб зот бир ишни орау қилмасин. У шу орауси йўлида минг-миң қайталаб уриниб, янглишиб, халокатларга учраб бўлса ҳам ўз мақсадига етди.

Осмоға қўшларининг сайрига ҳаваси келиб минг йиллар учини иштиқидга ўртанган инсон интилади нидога учоли, учганда ҳам қандай учоли дег, ўн миң метр-қаб баландликда, соатига миңглаб километр тезликда якка-якка эмас, бир варақайга юзлаб, икки юзлаб уча олади.

Дарёларда, океанларда балиқлар сузганини кўрган, нега мен сузламайман, нега мен сув тагида юрламайман деб ўқинган инсон табиат унга бахш этмаган бу хилатини ўз ақли, идроки, илми, маърифати билан ағаллай олди. У ҳозир истаган денгизда, хоҳлаган океанда, юзларча метр чуқурликда катта тезлик билан океанлар ҳокими бўлган китлардан, акулалардан тезроқ ва эпчилроқ суза олади. Унинг учун ва денгиз ости рифлари, муз океанининг тағлари, тоғ-фиштерини оқимлари тўсиқ бўлмайди. Юлдузлар сирини билмак бўлган тинмағур инсон шу юлдузларга етиб олди, ўз кўли билан ушлаб, ўз кўзи билан кўриб, ўз оғи билан шу юлдузлар устида юриш арафасида турибди.

мумкин бўлган ядро портлатишлар ўтказишдан тийилиб туришни кутади.

Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. М. Пушкин 11 августда СССР ҳукуматининг мураббаитини АҚШнинг СССРгаи муавинат ишлар вакили Мансуни янабларига топширди. Мансуни янабларини бу мураббаитни АҚШ ҳукуматига дарҳол топшираганини айтди.

КОСМОНАВТ А. Г. НИКОЛАЕВ

Андриян Григорьевич Николаев 1929 йил 5 сентябрда Чувашистон АССР, Маринский Посад районининг Шоршели қишлоғида янмағал дехқон оиласида туғилган. Миллати чуваш.

А. Г. Николаев 1944 йилда Шоршели қишлоғидаги 7-ўрта мактабни 7 синфини тамомлаб чиқди. У ўша йилда Маринский Посад ўрмончилик — техника техникумига кирди ва 1947 йилда бу техникумни тамомлаб, ўрмончи-техник ихтисосига эга бўлди. 1947 йил декабрдан 1950 йил апрелгача «Южкареллес» трести Деревянский леспромхозида ёғоч тайёрловчи мастер бўлиб ишлади.

1950 йилда Совет Армияси сафига қақрилди ва ҳарбий авиация ўқув юртига ўқишга юборилди. 1955 йилдан буён ҳарбий учувчи.

1961 йилда ҳукуматнинг топширигини муваффақиятли бажаргани учун Қизил Юлдуз ордени билан мунофотланди.

А. Г. Николаев 1950 йилда ВЛКСМга аъзо қилиб қабул қилди. 1957 йил сентябрдан буён КПСС аъзоси.

Космонавт — бўйдоқ.

Отаси Григорий Николаевич 1944 йилда вафот этган. Онаси Анна Алексеевна 1900 йилда туғилган. Анаси Иван Григорьевич 1927 йилда туғилган ва Чувашистон АССР Алатыр райониди Кирск леспромхозида ишлайди. Укаси Петр Григорьевич 1936 йилда туғилган. Коҳозчи — шофер. Шоршели қишлоғида яшайди. Синглиси Зинаида Григорьевна 1932 йилда туғилган. Чебоксари шаҳрида қон қўйиш станциясида медицина ҳамшираси бўлиб ишлайди.

Улуғ олим Циолковскийнинг бутун айтганлари билининг совет замонасида қувдан-қунга кечкиси бўлиб бораётган совет маърифати, совет илми соҳасида рўёбга чиқмоқда.

Кеча «Восток-3» космик корабли осмонга учирилди. У онахон планетамизнинг бошига олтин чамбарлар ўраб айланиб юрибди. «Восток-3» космик кораблида совет халқининг жасур фарзанди жонажон Коммунистик партиямизнинг содиқ ўғли Юрий Гагарин, Герман Титовларнинг сафдоши Андриян Николаев учиб юрибди.

Биз, совет граждандари ўз жонажон Партиямига шу улуғ айёмда яна бир бор ташаккур айтамыз. Совет техникаси, илми ва маърифати янаси! Космос кораблларини қурувчи олимлар, инженер, ишчилар Сизларга шон-шарафлар бўлсин!

Омон бўл жасур фарзандимиз Андриян Николаев! Тез соғларда азия Ермида соғ-саломатлик билан дийдор кўришайлик!



ЯНА КОСМОСГА

Космонавт Н. С. ХРУШЧЕВ билан суҳбатлашди

«Восток-3» йўлдош кемаси парвоз қилиб турган чоғда, 11 август Москва вақти билан соат 16 дан 07 минут ўтганда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан космонавт-учувчи А. Г. Николаев ўртасида суҳбат бўлди.

Космонавт Н. С. Хрушчевга хабар қилиб, йўлдош кеманинг парвози давом этаётганлигини, ўзини жуда яхши ҳис этаётганлигини, кемадаги барча системалар аъло даражада ишлаётганлигини айтди.

— Ўртоқ Николаев, — деди Н. С. Хрушчев, — сўзларингизни эшитаяман. Узингизни яхши ҳис этаётганлигингиздан ва сиздаги аппаратлар тўхтовсиз ишлаётганлигидан хурсандман. Сизни табриқлайман ва сиз шундай тарихий парвозга отланиб кўрсатган мардлингиз билан фахрланаман. (ТАСС).

